ТРАНСПОРТ БЎЙИЧА БОШЛОЙИХАЛАШ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

BOSHTRANSLOYIHA

“BOSHTRANSLOYIHA” АЖ
ва
касаба уюшмаси ўртасидаги
2021-2024 йиллар учун
ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

Тошкент - 2021

МУНДАРИЖА

№	БЎЛИМ	Бет
I.	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР ……..…….	2
II.	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ..….....	3
III.	МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ ……..	6
IV.	ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ ……...	10
V.	МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ. КАФОЛАТЛИ ВА ТОВОН ТЎЛОВЛАРИ …….....	12
VI.	МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ …….....	16
VII.	МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ ..……..….	16
VIII.	МЕҲНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ...…….....	17
IX.	ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА. ИЖТИМОИЙ КАФОЛАТЛАР ВА ИМТИЁЗЛАР …….……..….	21
X.	МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТ ИШЛАРИ ….....……..….	24
XI.	ХОТИН-ҚИЗЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ……..……	25
XII.	ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР ….....…	27
XIII.	МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ ……..	28
XIV.	ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИ КАФОЛАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИШ …...……..…..	29
XV.	ЖАМОА ШАРТНОМАСИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ....……..…..	31
XVI.	ЖАМОА ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРНИ БУЗГАНЛИК ЁКИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ……...	32
	ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН ИЛОВАЛАР РЎЙХАТИ ……..……	33

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур жамоа шартномаси (кейинги ўринларда **“Шартнома”**) "BOSHTRANSLOYIHA" AJ да меҳнат, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ички меёрий ҳужжатдир.

Қуйидагилар **Шартноманинг** тарафлари бўлиб ҳисобланади:

- Иш берувчи *Бош директор Рузиев Р.В.сиймосида*
(бевосита иш берувчи ёки унинг ишончли вакили кўрсатилади)

- Ходимлар *Касаба уюшмаси қўмитасининг Раиси Калимбетов Х.М.сиймосида*
(касаба уюшмаси қўмитаси, касаба ташкилотчиси кўрсатилади)[1]

1.2. Шартнома 2021 йилнинг 30 мартдан кучга киради ва 2024 йилнинг 30 мартга қадар амал қилади. Муддати тугагач, жамоа шартномаси тарафлар томонидан янги шартнома тузилгунча ёки амалдагисига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгунга қадар амал қилади.

1.3. Мазкур **Шартнома Иш берувчига** ва **Корхонанинг** барча ходимларига, шу жумладан жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин ишга қабул килинган шахсларга нисбатан тадбиқ этилади.

Ушбу Шартномада кўзда тутилган ҳолларда, унинг алоҳида қоидалари қуйидагиларга ҳам тадбиқ этилади:

- **Ходимнинг** оила аъзоларига;
- ёшга доир, ногиронлиги, штат қисқартирилиши сабабли нафақага чиқиши муносабати билан иш берувчи томонидан меҳнат муносабатлари бекор қилинган шахсларга;
- меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ холда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли зарар етказилиши оқибатида жабрланган собиқ **Ходимларга**;
- меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигига бошқача тарзда шикаст етиши сабабли вафот этган ходим карамоғида бўлган ва зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга;
- касаба уюшмаси аъзоларига (касаба уюшма бюджети ҳисобидан бериладиган қўшимча имтиёзлар қисмида).

1.4. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар тарафларнинг ўзаро келишувига биноан Меҳнат кодексида белгиланган тартибда киритилади.

---

[1] Кейинги ўринларда **«Касаба уюшмаси қўмитаси»** деб номаланади

1.5. Иш берувчи барча **Ходимларни**, шу жумладан ишга янги қабул қилинган **Ходимларни** жамоа шартномаси билан таништиришни, шунингдек **Касаба уюшма қўмитаси** билан келишиб қабул қилинган **Корхонанинг** бошқа локал ҳужжатлари билан таништириш, жамоа шартномасининг мазмунига ва шартларининг бажарилишига оид маълумотлар ошкоралигини (мажлислар, конференциялар, масъул **Ходимлар** ҳисоботлари, ахборот стендлари, тармоқ нашрлари ва ҳоказо орқали) таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

II. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

2.1. Тарафлар меҳнат вазифаларининг ҳалол ва сифатли бажарилиши **Ходимлар** фаровонлигининг негизи эканлигини эътироф этадилар.

2.2. “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси”га мувофиқ Томонлар ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ҳамда **Корхона** шаънига путур етказиш қалтисликларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашиш мажбуриятини олган ҳолда тарафлар:

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, саноат, транспорт, алоқа ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш;

- ташқи ва ички бозорларда товарлар ва хизматлар рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ва технологияларининг тубдан янги турларини чиқаришни ривожлантириш;

- энергия ва ресурслар сарфини пасайтириш, энергияни тежовчи технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш;

- хомашё, материаллар ва бутловчи қисмларни етказиб берувчи ташкилотлардан меҳнат соҳасидаги асос солувчи тамойиллар ва ҳуқуқлар (касаба уюшмаларига бирлашиш ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқи, болалар меҳнати мажбурий меҳнатни тақиқлаш, тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш, меҳнат муносабатлари соҳасида камситмаслик принциплари)га риоя этилишини талаб қилиш хусусида келишиб олдилар.

- мосланувчан нарх-наво сиёсатини амалга ошириш хусусида келишиб олдилар.

2.3. Шу мақсадда **Иш берувчи** қуйидаги мажбуриятларни олади:

2.3.1 Корхона мувафаққиятли фаолият юритишига, меҳнат маданияти ва интизоми

кўтарилишига эришиш, ишловчиларнинг касб маҳоратини юксалтириш, тариф ставкалари ва ишбай баҳолар амалдагиларига нисбатан пасайишига йўл қўймаслик;

2.3.2 ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун меҳнат жамоасини моддий-техник ресурслар ва молиявий маблағлар билан ўз вақтида таъминлаб бориш;

2.3.3 меҳнат унумдорлигини юксалтириш, илғор тажрибани ўзлаштириш, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этиш учун барча шарт-шароитларни яратиш;

2.3.4 ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, **Корхонанинг** молиявий аҳволи ва олинган фойданинг ишлатилиши ҳақида меҳнат жамоасини мунтазам ҳабардор қилиб бориш;

2.3.5 Корхонанинг ўзида, зарур ҳолларда эса таълим муассасаларида **Ходимлар** учун касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака ошириш ишларини олиб бориш;

2.3.6 жамоа шартномасини тузишга, унинг бажарилиши устидан назоратни йўлга қўйишга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида, бошқа қонунларида, **Корхонанинг** таъсис ҳужжатларида, жамоа келишувларида ҳамда мазкур жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа масалаларга оид маълумотларни **Касаба уюшма қўмитасига** тақдим этиб бориш;

2.3.7 белгилаб қўйилган меҳнат тартиби доирасида **Касаба уюшма қўмитаси** билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро таклифлар ва талабларни ўз вақтида кўриб чиқиш, меҳнат бахсларини музокара йўли билан ҳал этиш;

2.3.8 Ходимларни Корхонани бошқаришда амалдаги қонунларга зид бўлмаган шакллардаги иштирокини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

2.3.9 Касаба уюшмаси қўмитаси вакилларини **Корхонанинг** бошқарув органлари, **Ходимларнинг** ижтимоий-иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ қарорлар қабул қилувчи комиссиялар таркибига киритиш;

2.3.10 рационализаторликни ривожлантириш;

2.3.11 Корхонанинг иш самарадорлиги юксалишига, хомашё, материаллар, энергия ва бошқа ресурслар иқтисод қилинишига катта ҳисса қўшаётган **Ходимларни** рағбатлантириб бориш;

2.3.12 барча бўғин касаба уюшмаси вакилларини Устав вазифаларини бажариш учун иш жойларига монеликсиз қўйиш;

2.3.13 Корхонада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 349-сонли қарорига

тўлиқ риоя этиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

2.4. Касаба уюшма қўмитаси қуйидаги мажбуриятларни олади:

2.4.1 ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид масалаларни, шунингдек ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда **Ходимлар** номидан иш кўриш;

2.4.2 Касаба уюшма қўмитаси вакилларини **Корхона** бошқарувининг ҳайъат органларига сайланиши имкониятларидан фойдаланиш;

2.4.3 касаба уюшмаларига хос услублар ёрдамида, шу жумладан **Ходимлар** ўртасида меҳнат мусобақаларини ривожлантириш, улар меҳнати унумдорлигини юксалтириш, **Иш берувчи** билан биргаликда ишлаб чиқариш илғорларини рағбатлантириш тизимларини ўрнатиш орқали **Корхонанинг** барқарор фаолият кўрсатишига кўмаклашиш;

2.4.4 меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларини такомиллаштириш, **Корхонани** бошқариш, жамоа шартномаси мажбуриятларини такомиллаштириш, **Ходимларнинг** меҳнат шартномасидаги вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажаришларига кўмаклашувчи ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жорий ва истиқболли режа ва дастурларини қабул қилиш каби масалалар юзасидан жамоа музокараларини олиб бориш бўйича таклифларни **Иш берувчига** киритиб бориш;

2.4.5 Ходимларнинг рационализаторлик ва ихтирочилик ишларида иштирок этишларига кўмаклашиш;

2.4.6 мамлакатни модернизациялаш ва янгилаш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги устувор дастурлар ижросида **Корхонанинг** иштирокини мониторинг қилиш ишларида иштирок этиш;

2.4.7 Корхонада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 349-сонли қарори тавсияларига амал қилади ва Иш берувчи томонидан тўлиқ риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боради.

2.5. **Ходимлар** қуйидаги мажбуриятларни олади:

2.5.1 ўз меҳнат вазифаларини виждонан ва бекаму-кўст бажариш, **Иш берувчининг** фармойишлари ва буйруқларини ўз вақтида ва сифатли ижро этиш;

2.5.2 ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришга, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифати яхшиланишига, меҳнат унумдорлиги ўсишига, ресурслар иқтисод қилинишига кўмаклашиш, ишлаб чиқаришдаги ўз ҳамкасбларининг илғор тажрибасидан фойдаланиш;

2.5.3 ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатига ёки

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказиладиган мақсадли умумхалқ хайрия ҳашарларида иштирок этиш мажбуриятларини ўз зиммасига оладилар.

III. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ.

3.1. Ходим ва **Иш берувчи** ўртасидаги меҳнат муносабатлари ёзма равишда тузилган меҳнат шартномаси, меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ва бошқа меҳнат тўғрисидаги ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Бунда меҳнат шартномаси тарафларининг биронтаси бошқа тарафнинг учинчи шахслар олдидаги мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Ишга қабул қилинган шахслар билан **Касаба уюшмаси қўмитасида** танишув суғбати ўтказилади.

3.2. Ишга қабул қилиш, шунингдек:

3.2.1. меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга биноан лавозимларни эгаллаш танлов асосида амалга ошириладиган ишларга танлов асосида;

3.2.2. Ижтимоий химояга мухтож**,** маҳаллий меҳнат органлари ва бошқа органлар томонидан юбориладиган шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда квота иш ўринларига ишга жойлаштириш орқали амалга оширилиши мумкин.

3.3. Мутахассислигига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ **Ходимлар** тўла-тўкис иш билан таъминланадилар.

3.4. Меҳнат шартномаси қуйидаги мақсадда дастлабки синов шарти билан тузилиши мумкин:

- **Ходимнинг** топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш;
- **Ходим** меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиши.

3.4.1. Дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда **Ходим** дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган деб ҳисобланади.

Дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.

3.4.2. Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда **Иш берувчи** меҳнат шартномасини синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина бекор қилиши мумкин.

3.4.3. Агар дастлабки синов муддати тугагунга қадар тарафлардан бирортаси ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилмаган бўлса, шартноманинг амал қилиши давом этади ва бундан кейин уни бекор қилишга умумий асосларда йўл қўйилади.

3.5. Меҳнат шартномасини **Иш берувчининг** ташаббуси билан бекор қилиниши фақатгина **Касаба уюшма қўмитасининг** олдиндан розлигини олиб амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ушбу масаладаги ёзма тақдимоти **Касаба уюшмаси қўмитасида** Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11 сон қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби” асосида кўриб чиқилади.

Иш берувчининг ташаббуси билан Меҳнат шартномасини бекор қилиниши қуйидаги ҳолларида **Касаба уюшма қўмитасининг** олдиндан розлигини олиш талаб этилмайди:

- **Корхона** тугатилиши муносабати билан;
- **Корхона** раҳбари билан тузилган шартномани Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослардан бирига кўра бекор қлинганда;
- **Корхона** раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи **Ходим** билан тузилган Меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмашиши сабабли бекор қилинган тақдирда.

3.6. Коронавирус инфекцияси билан зарарланган ёки карантинга жойлаштирилган, шунингдек, 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган **Ходимлар** билан меҳнат шартномаларини **Иш берувчининг** ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади.

3.7. Ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар туфайли келиб чиққан ва бундай иш **Корхонада** мавжуд бўлса, **Иш берувчи** томонидан қаноатлантирилмаслиги керак. **Ходимнинг** ташаббуси билан бошқа ишга ўтказиш муддати ходим ва **Иш берувчи** ўртасидаги келишувга биноан белгиланди. Бунда меҳнат ҳақи амалда бажарилаётган ишга қараб тўланади..

3.7.1. Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар деб қуйидагилар ҳисобланади:

- бетоб оила аъзосини парваришлаш зарурияти;
- ишни таълим билан қўшиб олиб борилиши;
- оиласида ногиронлиги бор шахсларни парваришлаш зарурияти.

3.8. Ишлаб чикариш зарурияти ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан **Иш берувчининг** ташаббусига кўра ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади.

Бекор туриб қолиш деб ишлаб чиқариш, ташкилий-техник ёки бошқа объектив сабабларга кўра ишнинг тўхтаб қолиши тушунилади.

Иш берувчининг ташаббуси билан **Ходимни** вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун ишлаб чиқариш зарурияти деб қуйидаги ҳолатларда бажарилиши лозим бўлган тезкор ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар ҳисобланиши мумкин:

3.8.1. бошқа **Ходимнинг** ишда вақтинчалик хозир бўлмаган даврида (ўқув сессиясига, меҳнат таътилига ва ҳақ тўланмайдиган таътилга кетиши, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги сабабли);

3.8.2. табиий ва техноген тусдаги авариялар, бахтсиз ходиса, табиий офат ва бошқа фавқулодда ходисалар оқибатларини бартараф этиш зарурияти юзага келганда;

Вақтинча бошқа ишга ўтказишлар муддати ишлаб чиқариш заруриятини келтириб чиқарган омилларни бартараф этиш вақти ёки бекор туриб қолинишининг бутун даври билан белгиланади. Барча холларда **Иш берувчининг** ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси йил давомида олтмиш кундан ошмаслиги лозим. (Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 29-Конвенцияси).

Ходим Иш берувчининг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади.

3.9. Иш берувчи Ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тегишли **Касаба уюшмаси** органига ахборот тақдим этиши ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. **Иш берувчи** шунингдек, камида икки ой олдин ҳар бир **Ходимнинг** касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак кўзда тутилаётган ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Касаба уюшмаси қўмитаси Иш берувчининг Ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатилиш ҳақидаги қарорини олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги таклифни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун киритиш ҳуқуқига эга.

Корхона Ходимларининг штатлар жадвалидаги сонидан 20% дан ортиқ бўлган **Ходимларининг** бир вақтнинг ўзида ишдан озод этилиши ходимларни оммавий равишда ишдан озод этилиши деб ҳисобланади.

3.10. Ходимлар сони қисқартирилаётганда қисқартириш оқибатларини юмшатишга

қаратилган қуйидаги чораларни кўриш назарда тутилади:

3.10.1 ўриндошликни, вақтинча ишлайдиган **Ходимлар** сонини чеклаш, бир неча касбда ишлашни тақиқлаш, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

3.10.2. Ходимнинг ҳоҳишига кўра унга иш хақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли таътиллар бериш;

3.10.3 қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш амал қилаётган даврда **Ходимнинг** ўз ҳоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш муддатига мувофиқ келадиган пуллик товон ҳақи тўлаш билан амалга ошириш;

3.10.4. Ходимлар сони қисқартирилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш олган ходимга огоҳлантириш муддати давомида ўзига қулай вақтда бошқа иш қидириш учун ҳафтада бир кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқини бериш.

3.11. Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, **Ходимлар** сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 103-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган **Ходимлар** тоифаларига берилади.

а) ногиронлик;

б) пенсия ёшига яқинлашиб қолганлик (аёллар 53 ёш, эркаклар 58 ёш);

в) ишлаётган ёлғиз **Ходим** ота ёки онанинг қарамоғида 14 ёшга тўлмаган болалар мавжудлиги.

3.12. Касаба уюшмаси қўмитаси Корхонада бандликни таъминлаш, ишдан озод этилаётган **Ходимларни** ҳимоя қилиш масалаларини, шунингдек **Ходимларнинг** ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир бошқа масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. (Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддаси).

3.13. Иш берувчи Корхона Ходимларини мажбурий меҳнатга, жумладан, ҳудудларни ободонлаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги турли ишларга жалб қилмайди.

3.14. Касаба уюшмаси қўмитаси Корхона Ходимларини мажбурий меҳнатга, жумладан, ҳудудларни ободонлаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги турли ишларга жалб қилинишининг олдини олиш юзасидан жамоатчилик назоратини олиб боради.

IV. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

4.1. На **Корхонада** қуйидаги иш ҳафтаси давомийлиги қабул қилинади:

4.1.1. мўътадир меҳнат шароитида банд бўлган **Ходимлар** учун 40 соатдан ортиқ бўлмаган;

4.1.2. 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган **Ходимлар** учун - 36 соат;

4.1.3. I ва II-гуруҳ ногирони бўлган **Ходимлар** учун - 36 соат;

4.2. Ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгиланиши Меҳнат кодексининг 229-моддасида кўзда тутилган ҳолларда, шунингдек қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда қондирилиши мумкин:

а) оила аъзоларидан бирон кишининг касаллиги;

б) ишни таълим билан қўшиб олиб борилиши;

в) профилактик даволаниш;

г) ишловчилар сони қисқартирилиши ўрнига ишлаб чиқариш технологияларини ўзгариши, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, иш хажмини қисқариш;

4.3. Тўлиқсиз иш вақти шароитида ишлаш муддати **Ходим** билан **Иш берувчи** ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади. Тўлиқсиз иш вақти режимидаги меҳнатга хак тулаш, ишлаган вактига пропорцианоал равишда ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб фоиз ҳисобида, лекин Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг 1-разряди ставкасидан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади.

4.4. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган холларга қўшимча равишда ходимнинг илтимосига биноан **Иш берувчининг** ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилган **Ходимларга Иш берувчи** томонидан (иш ҳақи тўлиқ миқдорда сақлаб қолинган ҳолда) қисқартирилган иш куни ёки иш ҳафтаси ўрнатилади. **Ходимнинг** айбли ҳатти-ҳаракатлари учун шартнома бекор қилинган холлар бундан мустасно.

4.5. Ишдан ташқари вақтларда ишга жалб этиш фақат **Ходимнинг** розилиги билан амалга оширилади.

4.6. Иш берувчи ишлар кеч (соат 22 дан кейин) тамомланган ҳолатларда **Ходимларни** навбатчи транспорт билан ишга олиб келиш ва ишдан олиб кетиш мажбуриятини олади.

4.7. Ходимларни кечки ва тунги вақтларда, шунингдек дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этиш алоҳида холлардагина ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларни ҳисобга олган холда, **Иш берувчининг Касаба уюшма қўмитаси** билан келишиб қабул қилган ёзма фармойишига биноан амалга оширилиши мумкин.

4.8. Йиллик асосий таътил (қонун ҳужжатларига биноан асосий ўзайтирилган таътиллар ўрнатилган **Ходимлардан** ташқари) барча ходимлар учун 15 иш кунидан кам бўлмаган

муддатга белгиланади.

Меҳнат таътилларининг навбати иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқланган тақвимий жадвал асосида белгиланади.

4.9. Қуйидаги ҳолларда ходимларга қўшимча йиллик меҳнат таътиллари берилади:

4.9.1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш ввa иш жойини аттестация қилиш услубияти асосида аниқланган ноқулай меҳнат шарт-шароитларида ишлаганлик учун, 1-сонли иловага мувофиқ;

4.9.2. 1-сонли иловада келтирилган лавозимлар рўйхатига мувофиқ раҳбарларга ва мутахассисларга;

4.10. Йиллик ҳақ тўланадиган мехнат таътилини олиш хуқуқига эга бўлган меҳнат стажига қўшимча равишда муддати икки ҳафтадан ортиқ бўлмаган иш ҳақи сақланмаган ҳолда берилган таътиллар ҳам киритилади.

4.11. Меҳнат кодексининг 144-моддасида кўрсатиб ўтилган **Ходимлар** тоифаларидан ташқари қуйидаги **Ходимларга** меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади:

4.11.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 20 мартдаги 153-сонли қарорига асосан ижтимоий аҳамиятга молик касаллик бўйича ҳисобда турган **Ходимларга**;

4.11.2. бетоб оила аъзосини парвариш қилаётган шахсларга;

4.11.3. ишлаётган нафакахурларга;

Жадвалда белгиланган таътилдан фойдаланиш вақти **Ходим** ва **Иш берувчи** ўртасидаги келишув асосида ўзгартирилиши мумкин.

Ходимлар таътилга чикиш учун таътил бошланадиган кундан камида 5(беш) иш кунидан аввал ариза билан мурожат қилишади.

4.12. Таътил учун хақ тўлаш таътил бошланмасдан олдинги охирги иш кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

4.13. Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан **Иш берувчи** ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, аммо унинг муддати ўн икки ой ичида умумий ҳисобда уч ойдан ошиб кетмаслиги шарт.

4.14. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) **Ходимнинг** хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътилларни бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

4.15. Хар йилги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ қўшимча ишланмайдиган кун (кунлар) белгиланади.

Қўшимча дам олиш кун (кунлар) ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини қисқартириш ҳисобига қопланади, ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади, унга қўшимча дам олиш кунлари қўшилади.

Ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартиришни ҳисобга олган ҳолда ҳам йиллик таътил давомийлиги 15 иш кунидан кам бўлмаслиги таъминланади".

V. МЕҲНАТГА ХАҚ ТЎЛАШ. КАФОЛАТЛИ ВА ТОВОН ТЎЛОВЛАРИ

Иш берувчи қуйидаги мажбуриятларни олади:

5.1. Меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофотлар, қўшимча тўловлар, рағбатлантирувчи моддий мукофотлар тўғрисидаги низомларни **Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишиб олиш.

5.1.1. Касаба уюшмаси аъзоларининг ёзма розилиги асосида касаба уюшмаси аъзолик бадалларини бухгалтерия орқали **Корхонада** иш ҳақи тўловлари билан бир вақтда нақд пулсиз шаклда сайлаб қўйиладиган касаба уюшмаси органининг ҳисоб рақамига ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш

5.2. **Корхона** бўлинмалари иқтисодий кўрсаткичлари ҳисоб-китобларини амалга ошириш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини ва **Корхона** бўлинмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаш ва меҳнатга ҳақ тўлашни "BOSHTRANSLOYIHA" AJ даги умумий иш кўрсаткичларини, бўлинмаларнинг ва ҳар бир **Ходимнинг** ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига "BOSHTRANSLOYIHA" AJ бўлинмалари ишининг иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ амалга ошириш.

5.3. Ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш чоғида:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Халқ хўжалиги тармоқларида ишчи ва хизматчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси" асосида ишлаб чиқилган тариф ставкалари ва ойлик маошларни қўллаш. Бунда "1" разряд ставкасининг пул ифодаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг тавсияларига мувофиқ ва **Корхонанинг** молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда разрядларо коэффициентга риоя этилган ҳолда белгиланиши шарт;

- тарификацияни, ишчилар ва **Ходимларга** малака разрядлари ва тоифалари берилишини “Ишлар ва ишчи касбларининг ягона тариф-малака маълумотномаси” ва “Раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилар лавозимларининг умумтармоқ малака маълумотномаси” асосида амалга ошириш;

- аттестация натижаларига кўра тариф ставкаларини ва лавозим маошларини ошириш ёки камайтириш;

- **Ходимларнинг** меҳнат шароитларига қараб Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунлар ва қоидаларга мувофиқ қўшимча тўловларни белгилаш:

5.3.1. минтақавий коэффициент шаклида, 5-илова:

қидирув партиялари “Минтақавий коэффициентлар қўлланиладиган оғир ва ноқулай иқлим шароитли жойлар рўйхати” да кўрсатилмаган вилоят ва туманларда ишлаган холда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 06.06.2019 йилдаги 743-сонли қарори (1- илова. “Яшаш шароити оғир ва ноқулай иқлимли жойларда ишлайдиган ишчиларга мехнатга хақ тўлашнинг минтақавий коэффициентларни ўрнатиш ва қўллаш Низоми”) га кўра, мухандислик тадқиқот бўлими бошлиғининг аризасига биноан, ойлик маошининг 15% миқдорида шу минтақада хақиқий ишлаган вақтига қараб (штатлар жадвалига мувофиқ ойлик иш хақининг устамаси билан) қўшимча хақ тўланилади, юқоридаги Қарорнинг 2-банди 4-хат бошига кўра.

5.3.2. минтақа коэффициенти тарзида, 5-сонли илова;

5.3.3. чўл ва сувсиз минтақаларда ишлаганлик учун, 5-сонли илова;

5.3.4. касб маҳорати учун;

5.3.5. юқори меҳнат натижалари учун;

5.3.6. ёндош касбда ҳам ишлаганлик учун;

5.3.7. хизмат кўрсатиш ҳудудини кенгайтирганлик учун;

5.3.8. оғир ва зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун;

5.3.9. тунгги вақтда соат 22^{00} дан тонгги 6^{00} гача ишлаганлиги учун, ҳар бир соатга 50% соатбай ставкада;

5.7.9. раҳбатлантирувчи тусдаги мукофотлар тарзида.

5.4. Иш ҳақини тўлаш муддатлари:

- ойнинг биринчи ярми учун - жорий ойнинг охиригача;
- ойнинг иккинчи ярми учун – хисобот ойидан кейинги ойнинг охирига қадар.

Ҳақ тўланадиган кун дам олиш куни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланади.

Ҳар бир **Ходим** тегишли даврда унга тўланадиган иш ҳақининг таркибий қисмлари, ушлаб қолинган пул миқдорлари ва унинг асослари, шунингдек тўланадиган умумий пул суммаси тўғрисида электрон тарзда (телеграмм бот), (агар **Ходимнинг** сўровномаси бўлса-ёзма равишда) хабардор қилинади.

5.5. Иш берувчи дебиторлик қарзларини камайтириши бўйича қонунчиликда кўрсатилган барча чораларни кўриб чиқиш мажбуриатини олади.

5.6. Ёндаш касбда (лавозимда) ҳам ишлаганлик, хизмат ҳудудини кенгайтирганлик, бажарилаётган иш ҳажми кўпайганлиги, ўз лавозими вазифлари билан бирга вақтинча ишда бўлмаган **Ходимларнинг** вазифасини бажарганлик, шунингдек ўриндошлик учун меҳнатга ҳақ тўланиши меҳнат шартномаси тарафларининг кўра ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмига кўра белгиланади. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон билан тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низом” қоидалари бажарилади).

5.7. “Ўзбекистон Республикаси ичкарисидаги хизмат сафарлари тўғрисида”ги Йўриқнома (Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги томонидан 24.07.2003 й.да 83 ва 7/12-сон билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 29.08.2003 й.да 1268-сон билан рўйхатга олинган) кўзда тутилган ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари учун товон тўловлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

5.7.1. меъёрларга мувофиқ йўлкира харажатлари;

5.7.2. доимий турар жойдан ташқарида истиқомат қилиш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан турар-жой ижараси);

5.7.3. суткалик харажатлар - "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарларида бўлган вақт учун истеъмол ставкалари" буйруғига мувофиқ;

5.7.4. Ходим томонидан **Иш берувчининг** рухсати ёки розилиги билан қилинган бошқа харажатлар;

5.7.5. Шу жумладан бир кунлик муддатга хизмат сафарига чиқилганда харажатлар тўланиб берилади.

5.8. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари учун тўланадиган компенсациялар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 19 ноябрда 2730-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 19 октябрдаги 92-сон буйруғи билан тасдиқланган) “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом”га биноан амалга оширилади;

5.9. Ходимга тегишли транспорт воситасидан **Иш берувчининг** розилиги билан фойдаланилгани учун компенсация –Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154 -сонли Қарори билан тасдиқланган «**Ходимларнинг** шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари учун (хизмат сафаридан ташқари) фойдаланганлик учун компенсация тўлаш Тартиби» меъёрлари асосида тўланади;

5.10. оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча ҳақ тўловлари (иш жойи аттестацияси натижаларига мувофиқ);

5.11. Иш берувчининг фармойишига биноан иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш, навбатчилик, дарслар ўтказиш ва бошқа турли тадбирларда қатнашиш) мақсадида **Ходим** ўз асосий ишидан озод этилади.

Агар юқорида кўрсатилган тадбирлар иш вақтида ўтказилса, бу холда **Ходимнинг** ўртача иш хақи сақлаб қолинади. Мазкур тадбирлар ишдан ташқари вақтда ўтказилса, **Ходимга** сарф қилинган вақтига мутаносиб қўшимча дам олиш вақти берилади.

Ходим иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажараётганда **Корхона** бўйича тариф ставкалари ва лавозим маошлари миқдори оширилса, у ҳолда ходимга меҳнат ҳақи **Корхона** янги ставкага ўтган даврдаги барча иш кунлар учун янги тариф бўйича қайта ҳисоблаб тўланади.

5.12. Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенциясига биноан эркаклар ва аёллар томонидан турли шароитларда, турли кўникма ва малака билан, турли кўринишдаги, жавобгарлиги бир-бирига боғлиқ бўлмаган, лекин бир хил қийматга эга бўлган ишлар тенг миқдорда рағбатлантирилади.

5.13. Агар **Корхонанинг Ходими** Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабига кундузги ўқиш кирса (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 30.07.2020 йилдаги 460-сонли қарори 4-илова 1-боб 9-банд) га асосан, унинг асосий иш жойи ва ўртача ойлик иш ҳақини сақлаб қолади

Олий ўқув юртларида тахсил олаётган **Ходимлар** учун ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаш ойлик иш ҳақига қўшимча тўлов миқдорининг ортиши билан ҳисоблаш кунидаги расмий иш ҳақидан бошлаб амалга оширилади, **Корхона** учун ҳисобланган ойнинг ўртача фоизлари билан ҳисобланади.

VI. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

6.1. Томонлар **Ходимлар** томонидан меҳнат вазифаларининг меҳнат шартномалари, таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, мансаб йўриқномалари, Устав ҳамда Ички меҳнат тартиби қоидаларига мувофиқ бажарилишини таъминлашни ва назорат қилинишини тарафлар ўз зиммасига оладилар.

Ички интизомни белгиловчи ҳужжатлар билан ходимларни таништириш **Иш берувчининг** мажбурияти ҳисобланади. Интизом қоидалари билан таништирилмаган **Ходимга** мазкур қоидаларнинг бузилиши важи билан интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин эмас.

6.2. Иш берувчи ва Касаба уюшма қўмитаси Ходимларни ишдаги муваффаққиятлари учун тармоқ ва давлат мукофотларига тақдим этиш;

6.3. Ходимлар ички меҳнат тартиби қоидаларига, ўрнатилган меҳнат таомилига, ташқи кўриниш ("дресс коди") ва меҳнат интизомига риоя этишлари шарт.

VII. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Иш берувчи зарар етказилган муайян шароитларни ҳисобга олган ҳолда зарарни айбдор **Ходимдан** ундириб олинишидан қисман ёки бутунлай воз кечишга ҳақлидир. Бу ҳолда етказилган зарар **Корхона** фойдаси ҳисобидан қопланади.

7.2. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи **Ходимлар** махсус ёзма шартнома асосида уларга ишониб топширилган бойликларининг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимларнинг тоифалари рўйхати 7-Иловада келтирилган. (“Давлат бошқаруви органларида ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларида қонунчиликни тизимли ҳисобини юритиш қоидалари”га (Адлия вазирининг 14.02.2012 й.даги 39-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 14.02.2012 й.да 2326-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ ана шундай органнинг юридик хизмат ходими (ҳуқуқ маслаҳатчиси) билан “Юридик шахслар томонидан касса операцияларини бажариш қоидалари”га (Марказий банкнинг 16.05.2015 й.даги 12/17-сонли Қарори билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 22.06.2015 й.да 2687-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ эса, хазиначи билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши қатъий шарт қилиб қўйилган.

VIII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИШ БЕРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Иш берувчи хар йили меҳнатни мухофаза қилиш учун **Корхона** харажатларининг 1,0% дан кам бўлмаган миқдорда маблағ ажратиш мажбуриятини зиммасига олади.

8.2. Иш берувчи “Лойиҳа ва тадқиқот ишларини бажариш чоғида меҳнатни мухофаза қилиш чора-тадбирлари”га ва Меҳнатни мухофаза қилиш тўғрисидаги битимни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мажбуриятни зиммасига олади (4 ва 8-Илова).

8.3. Меҳнат хавфсизлиги стандартларига мажбурий ва аниқ амал қилиниши устидан назоратни амалга ошириш, **Корхонанинг** меҳнатни мухофаза қилиш хизмати зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикасининг”Меҳнатни мухофаза қилиш тўғрисида”ги(янги таҳрирда) қонуннинг 12-моддаси талабларига мувофиқ, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш максадида, ҳар бир ташкилотда уларнинг бажарилишини назорат қилиш, **Ходимлар** сони эллик нафар ва ундан ортиқ бўлган, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширадиган ҳар бир ташкилотда, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозимини жорий этади.

8.4. Кейинги йилнинг биринчи февралига қадар ишлаб чиқариш жароҳатлари ва касб касалликларига оид ўтган йилги аҳволни таҳлил этади, меҳнат мухофазасини ва санитария-соғломлаштириш ишларини яхшилаш бўйича комплекс режанинг бажариш натижалари чиқарилади.

8.5. **Иш берувчи** хавфсизлик техникаси хонаси учун, меҳнат мухофазаси бурчаклари учун ва меҳнат мухофазаси бўйича ўқув машғулотлари учун оргтехника воситаларини , зарур техник воситаларни, ўқув ва кўргазмали ашёларни, тарғибот-ташвиқот воситаларини, плакатларни ва бошқа анжомларни харид қилади.

8.6. Ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларидан суғурта қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари” талабларига мувофиқ амалга оширилади.

8.7. Иш берувчи ҳар 5 йилда камида 1 марта ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 15.09.2014 йилдаги 263-сонли қарори билан тасдиқланган «Меҳнат шароитлари ва ускунларнинг жароҳатлаш хатари бўйича иш жойларини аттестациядан ўтказиш” Тартибига мувофиқ аттестация ўтказади.

8.8. Меҳнат кодексининг 217-моддасига мувофиқ белгиланган муддатларда ва **Жамоа шартномасининг** 3-иловасида келтирилган рўйхат асосида **Иш берувчи** махсус кийим-бош,

махсус пойабзал, бошқа якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминлайди.

8.9. Иш берувчи (бўлимлар ва хизматларнинг бошлиқлари) махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа якка тартибдаги ҳимоя воситаларига буюртмаларни зарур миқдорда етказиб берилиши учун буюртмаларни ўз вақтида тузиб топширилишини таъминлайди.

8.10. Ходимнинг айбисиз яроқсиз ҳолга келган махсус кийим-бош, махсус пойабзал янгисига ёки таъмирланганига алмаштириб берилади.

8.11. Иш берувчи Ходимларнинг белгиланган ҳимоя воситаларисиз ишга киришмасликларини, ҳимоя воситаларининг сақланишини ва ўз вақтида таъмирланишини таъминлайди.

8.12. МК нинг 117-моддасига мувофиқ ноқулай меҳнат шароитларида банд бўлган **Ходимларга** қисқартирилган иш кунини белгилаш, шунингдек МК нинг 137, 138-моддаларига меҳнат шароитлари ноқулай ва ўзига хос бўлган, оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун қўшимча таътил бериш 1-Иловага мувофиқ амалга оширилади.

8.13. МК нинг 217-моддасига мувофиқ, 2-иловага кўра Ўзбекистон Республикаси Бош санитария шифокори томонидан 06.10.2003 йилда тасдиқланган “Зарарли меҳнат шароитларида бевосита банд бўлган **Ходимларга** бепул сут ёки унга тенг холдаги бошка озик-овкат махсулотлари бериш тартиб” асосида тузилган касблар ва лавозимлар рўйхати бўйича бепул сут берилади.

8.14. Мехнат кодексининг 217-моддасига кўра, ноқулай, зарарли ва ифлосланиш билан боғлиқ шароитларда банд бўлган **Ходимлар** ҳар ойда 400 грамм миқдордаги гигиеник воситалар (ювувчи воситалар ёки совун) билан 2-Иловада келтирилган, ана шунга ҳуқуқи бўлган касблар ва лавозимлар рўйхатига мувофиқ бепул таъминланади.

8.15. Меҳнат кодексининг 214-моддасига кўра,, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғи билан белгиланган тартибда 6-Иловага мувофиқ **Ходимларнинг** дастлабки ва навбатдаги тиббий кўриклардан бепул ўтишларини таъминлайди.

8.16. Иш берувчи Корхона ҳудудининг доимий равишда саришта сақланишини таъминлайди.

8.17. Иш берувчи мансабдор шахслар ва мухандис-техник **Ходимлар** меҳнатни мухофаза қилиш талабларига, технологик интизом қоидаларига, режали-эҳтиёт таъмирлаш ишлари жадвалига, вентиляция ва аспирация ускуналарининг узлуксиз ишлаши талабларига оғишмай амал қилишларини таъминлайди, бузилган асбоб-ускуналарнинг ишлатилишига йул қўймайди.

8.18. Ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ҳамда билимларини текшириш

тўғрисидаги намунавий Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1996 йил 14 августда 272-рақам билан рўйхатга олинган) НБТ -309 талабларига биноан ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ҳамда билимларини текшириш ишларини ташкил этади.

8.19. Меҳнатни мухофаза қилиш бўйича ваколатли шахслар сайланганидан кейин, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йилнинг 18 декабрида 196-сон билан рўйхатга олинган “Меҳнатни мухофаза қилиш бўйича ваколатли шахс тўғрисида”ги Низомга мувофиқ бир ой давомида касаба уюшмаси қўмитасининг иштирокида уларнинг ўқувини ва билимлари текшрилишини ташкил этади.

8.20. Ваколатли шахс ўзининг меҳнатни мухофаза қилишга оид вазифаларини бажариши учун ҳафтасига камида икки соат вақтни ўртача иш ҳақини сақлаган ҳолда яратиб беради.

8.21. Иш берувчи меҳнатни мухофаза қилиш бўйича ваколатли шахслар **Ходимларнинг** меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича виждонан олиб борган ишлари учун, уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш мажбуриятини зиммасига олади.

КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.22. Касаба уюшмаси қўмитасининг меҳнатни мухофаза қилиш бўйича комиссия аъзолари таркибини тасдиқлайди, касаба уюшмаси фаолларининг ўқувини ўтказада (ўқув муддати ва дастурини кўрсатган ҳолда).

8.23. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ваколатли шахслар ва комиссия аъзолари ёрдамида **Ходимлар** томонидан меҳнатни мухофаза қилиш талабларининг бажарилишини доимий назорат қилади.

8.24. Ходимларга берилаётган махсус кийим, махсус пойафзал ва бошқа хусусий ҳимояланиш воситаларининг бутлиги, фойдаланиш учун яроқлилиги, ва мажбурий тарзда фойдаланилаётгани устидан назорат олиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни мухофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни асосида махсус тайёргарликка эга шахслар ҳисобидан меҳнатни мухофаза қилиш хизматини ташкил этишга оид таклиф киритади.

8.25. Жамоа шартномасининг бўлимлари ҳамда меҳнатни мухофаза қилиш битими лойиҳаларига таклифларни йиғади ва меҳнат жамоаси мажлисларида,бўлимларда, ва бошқа бўлинмаларда уларнинг муҳокамасини ташкиш этади.

8.26. Меҳнат кодексининг 214-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғи белгиланган тартибда 6-Иловага мувофиқ **Ходимларнинг** дастлабки ва навбатдаги тиббий кўриклардан бепул ўтишларини ташкил этиш устидан назорат олиб боради.

8.27. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ касб касалликларини текширишда, тиббиёт-меҳнат

эксперт комиссиясининг (ТМЭК) мажлисларида иштирок этади ёки ана шу мақсадда юқори касаба уюшмаси ташкилотларининг масъул **Ходимларини** таклиф этади.

ИШ БЕРУВЧИ ВА КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИНИНГ БИРГАЛИКДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.28. Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитасининг (ташкилотининг) янги технология ва ускуналар бўйича меҳнат мухофазаси талабларига биноан ўтказиладиган турли давлат экспертизаларида иштирок этиш, меҳнат шароитларининг **Ходимнинг** соғлигига таъсирини ўрганиш юзасидан ўзининг хусусий мустақил экспертизасини ўтказиш ва бу ишга бошқа ихтисослашган ташкилотларни ёхуд тегишли мутахассисларни жалб этиш ҳуқуқини эътироф этади.

ИШ БЕРУВЧИ КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА:

8.29. Меҳнат мухофазаси бўйича комиссияларнинг миқдорий таркибини **Корхонанинг** ташкилий тузилмалари кесимида белгилайди, уларнинг сайловларини, ўқишини (ўқув муддати ва дастурини кўрсатган ҳолда) ўз вақтида ўтказади ва тегишли гувоҳномаларни беради.

8.30. “Меҳнатни мухофаза қилиш ишларини ташкил этиш тўғрисидаги намунавий Низом” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1996 йил 14 августда 273-рақам билан рўйхатга олинган) талаблари асосида тасдиқланган НБТ -310 Низомига биноан корхонада ва унинг таркибий тузилмаларида меҳнатни мухофаза қилишнинг аҳволини маъмурий-жамоатчилик асосида текширишнинг уч поғонали услубини жорий этади ва ўтказилишини таъминлайди.

8.31. Меҳнатни мухофаза қилиш бўйича 4 кишидан иборат ваколатли шахсларнинг сайланишини таъминлайди.

8.32. Тарафлар **Ходимларга** уларнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиблик, касб касаллиги етказилган тақдирда **Корхона** моддий жавобгар бўлишини эътироф этадилар.

8.33. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вактида текшириш ва ўрнатилган тартибда **Ходимларнинг** меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғига зарар етказилишини, шунингдек касб касалликларини ҳисобга олинишини таъминлайди.

8.34. Меҳнат кодексининг 9 ва 223-моддаларига мувофиқ меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнатни мухофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан

жамоатчилик назоратини касаба уюшмаси ва уларнинг таркибидаги меҳнатни мухофаза қилиш хизмати (мутахассислар) олиб боради.

8.35. Ишлаб чиқаришда **Корхона Ходими** билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса ҳолатида меҳнатга лаёқатини йўқотиб ногиронлик тоифаси берилган **Ходимга** қуйидаги миқдорда бир марталик моддий ёрдам тўланади:

- I тоифали ногиронликда - 2 карра йиллик иш ҳақи;

II тоифали ногиронликда - 1,5 карра йиллик иш ҳақи;

- жабрланувчи қўпол равишда эҳтиётсизликка йўл қўйган ва **Иш берувчининг** айби бўлмаган ҳолатда, товон пулининг миқдори тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 189-191-моддаларига мувофиқ камайтирилади.

- Вазирлар Маҳкамасининг 11.02.2005 йилдаги 60-сонли қарорига мувофиқ, боқувчисининг вафоти муносабати билан зарарни қоплаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тегишли тўловлар суғурта компанияси томонидан таъминланади. Алоҳида ҳолатларда (кўриб чиқиш пайтида суғурта шартномасининг мавжуд эмаслиги ҳолатида) марҳумнинг вафот этиш пайтида ҳисоблаб ёзилган 6(олти) карра ўртача йиллик иш ҳақидан кам бўлмаган бир марталик нафақа иш берувчи томонидан тўланади. Бундан ташқари дафн қилиш билан боғлик харажатлар ҳам қопланади.

IX. ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА. ИЖТИМОИЙ КАФОЛАТЛАР ВА ИМТИЁЗЛАР

9.1. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан хар йили қабул қилинадиган ижтимоий йўналишдаги Давлат дастурларини, амалга ошириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қатъий бажарилишига эришиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

9.1.1. Корхона тасарруфида мавжуд бўлган маблағлар ҳисобидан "BOSHTRANSLOYIHA" AJ **Ходимларига** турли хилдаги ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

Корхонада марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан қуйидагилар амалга оширилади:

9.1.2. Ходимнинг ташаббуси билан пенсияга чиқиши сабабли, ишдан биринчи марта бўшаши сабабли штат жадвалига биноан "Boshtransloyiha" AJ да ишлаган ҳар бир тўлиқ йили учун ойлик маошининг 5% миқдоридаги бир марталик рағбатлантирувчи тўлов;

9.1.3. мактабгача болалар муассасига борадиган ҳар бола учун 50% тўлов миқдоридаги қисман компенсация;

9.1.4. Ходимнинг отаси ёки онаси, яқин қариндоши (отаси, онаси, хотини, эри, фарзандлари) вафот этганда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган базавий хисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида бир варакай моддий ёрдам кўрсатади. Тўлов ҳар бир

Ходимга берилади;

9.1.5 яқин қариндошлари (отаси, онаси, турмуш ўртоғининг ота-онаси, эри, хотини, болалари) нинг дафн етилиши муносабати билан **Ходимларга** пул тўланадиган уч кун тақдим этилади.

9.1.6. Ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вафот этганда **Корхона** маблағлари ҳисобидан унинг оиласига Ўзбекистон Республикасида ўша пайтда ўрнатилган базавий хисоблаш миқдорининг ўн бараваридан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади.

9.1.7. К**орхонадан** пенсияга чиқиб кетган **Ходимларнинг** вафоти муносабати билан бир марталик моддий ёрдам тўлови - Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий хисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида. Тўлов оила аъзосига ёки дафн маросимини ўтказаётган шахсга тўланади;

9.1.8. кўп болали, кам таъминланган оилалар аъзоларига, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳисобланадиган собиқ **Ходимларга**, **Корхонада** меҳнат қилган марҳум **Ходимларнинг** балоғатга етмаган фарзандларига, муҳтож **Ходимларга** ёки пенсия олувчиларга бир марталик моддий ёрдам тўлови уларнинг аризаларига биноан берилади;

9.1.9. юбилей саналари ва Ўзбекистон Республикаси байрамлари муносабати билан мукофот тўловлари;

9.1.10. Корхона ходимлари 50, 60, 70, 80, 90 ёшга тўлиши муносабати билан "BOSHTRANSLOYIHA" AJ даги иш стажига боғлиқ равишда мукофот тўланаётган пайтдаги лавозим маошининг 50% дан 100% гача миқдорда, шунингдек нафакадаги **Ходимларни** ўша пайтда Ўзбекистон Республикаси белгиланган базавий хисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдорида мукофотлаш;

9.1.11. "BOSHTRANSLOYIHA" AJ **Ходимларининг** ва уларнинг фарзандларининг биринчи марта никоҳ тўйларини ташкил этиш учун базавий хисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади.

Тўлов ҳар бир **Ходимга**, оила аъзосига никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома кўрсатилган тақдирда берилади;

9.1.12. Ходимларнинг ва уларнинг фарзандларининг Тошкент шаҳар олий таълим муассасаларида таълим олиши учун имконият даражасида қисман тўловларни амалга оширади, шунингдек **Корхона** учун ходимлар тайёрланиши учун маблағлар ажратади.

9.1.13. "Фахрий темирйўлчи" кўкрак нишони билан тақдирланган "BOSHTRANSLOYIHA" AJ **Ходимларига** Ўзбекистон Республикасида ҳозирги вақтда белгиланган бешта базавий хисоблаш миқдорида бир марталик мукофат пули белгилансин.

9.1.14."Фахрий темирйўлчи" кўкрак нишони билан тақдирланган "BOSHTRANSLOYIHA"

АЈ нинг доимий ишчи **Ходимларига** ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган битта базавий хисоблаш миқдорида қўшимча тўлов белгилансин.

9.2. Иш берувчи вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларни давлат ижтимоий суғурталарини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ тўлаш мажбуриятини олади.

9.2.1. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришда ҳиссадорлик асосида иштирок этиш.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ соғлиқни сақлаш муассасаларига ташриф буюриш учун ҳар бир **Ходимга** ва нафақа олувчига йилига битта базавий хисоблаш миқдорида лимит ўрнатиш.

Лимитдан ортиқча ташриф учун фарқни ходимлар ўз ҳисобларидан тўлайди.

Корхонада олти ойдан кўпроқ муддат давомида ишлаган ва йил давомида белгиланган лимитдан фойдаланмаган **Ходимларга** йил тугагач, фарқни даволаниш учун компенсация тарзида тўлаш.

"BOSHTRANSLOYIHA" AJ **Ходимларини** шошилинч вазиятларда темир йил шифохонасига ётқизилишини таъминлаш.

9.2.2 Хўжакентдаги дам олиш оромгоҳини сақлаш ва ободонлаштириш учун маблағлар ажратиш.

9.3. Иш берувчи ҳар йили штатдаги **Ходимларга** қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш учун моддий ёрдам пули тўловини амалга оширади (маблағлар мавжуд бўлганда).

9.4. Ўсиб келаетган авлод тўғрисида ғамхўрлик қилиб, Тарафлар қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

9.4.1. ҳар йили **Корхона** ҳисобидан ходимларнинг 12 ёшгача бўлган фарзандларига янги йил совғаларини топшириш;

9.4.2. Ходимларнинг фарзандларининг соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишларини таъминлаш;

9.5. Томонлар ишламайдиган нафақахўрлар ("Boshtransloyiha" AJ да 20 йил ишлаган аёллар , 25 йил ишлаган еркаклар) учун уч йилда бир марта "Назарбек", "Сиҳатгоҳ" ва "Чимен" санаторий-профилакторийсига йўлланмалар берилишини ва қисман тўлов таъминлаш мажбуриятини оладилар.

9.6. Касаба уюшмаси қўмитаси қуйидаги мажбуриятларни олади:

- **Ходимларга** ва уларнинг фарзандларига даволаш-соғломлаштириш ва санатория муассасаларида, болаларнинг соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиш ва даволанишлари учун йўлланмаларни сотиб олишга кўмаклашиши;

- йўлланмаларни тақсимлаш ва беришда ошкораликни таъминлаш, ижтимоий адолат тамойилларига риоя этилишига эришиш;
- йўлланмаларни таътиллар жадвалига мувофиқ тақсимлаш ва уларни биринчи навбатда зарарли меҳнат шароитларида ҳамда дала бўлинмаларида банд бўлган **Ходимларга** ажратиш;
- қишлоқ хўжалик ишларини бажариш чоғида меҳнат тўғрисидаги ва меҳнатни мухофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши, ижтимоий-турмуш шароитларини яратиш, иссиқ овқатни ташкил этиш устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш ва мониторинг ўрнатиш.

9.6. Корхона Ходимлари ва ишлаб турган нафақа олувчилар корхона жамоасига қасддан зиён етказган ҳолда (жамоа мулкига шикаст етказиш, йўқотиш, нобуд қилиш) 9.1 ва 9.2-бандларда белгиланган имтиёздан маҳрум этилиши мумкин.

X. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТ ИШЛАРИ

10.1. Маданий-маърифий ишларни янада яхшилаш учун тарафлар қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

10.1.1. “Маънавият ва маърифат” хонаси учун жой ажратиб, уни ЎзКУФКнинг ва Республика Маънавият ва тарғибот маркази тавсиялари асосида стендлар, плакатлар, техник воситалар билан жиҳозлаб, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарлари билан таъминлаш;

10.1.2. ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида бадиий ҳаваскорликни янада ривожланишига хар тарафлама ёрдам кўрсатиш. Уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиб, тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлган Республиканинг қадимий шаҳарларига ва диккатга сазовор жойларига (ички туризмга) саёҳатлар уюштириш, театр, концерт, музейларга ташрифни ташкиллаштириш;

- ҳар йили **Ходимларининг** оила аъзолари билан биргаликда дам олишни назарда тутган холда, ходимларнинг жамоавий ва оилавий дам олишини ташкил қилиш;
- **Ходимларга** "оилавий саёҳатлар учун" ота-оналар, қариндошлар, қариялар ва мураббийлар билан саёҳат қилишни таъминлаш максадида камида беш иш кунлик таътиллар берилишини таъминлаш. Бунда "оилавий саёҳат учун таътил" **Иш берувчининг** розилиги билан ва ушбу **Шартномага** мувофиқ йиллик асосий таътил ҳисобидан берилади;

10.1.3. давлат сиёсатининг устувор йўналишларини, мамлакатда ўтказилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар моҳиятини, қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари аҳамиятини ва давлат дастурлари мазмунини меҳнаткашларга батафсил тушунтириш мақсадида

Ходимларга ҳар ойда камида 1 марта “маънавият соатлари” ўтказиш.

10.2. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида, тарафлар қуйидагиларни ўз зиммасига оладилар:

10.2.1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг “Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш бошқармаси” унитар корхонаси билан алоқаларни мустаҳкамлаш.

10.2.2. "Boshtransloyiha" AJ **Ходимлари** ўртасида спорт мусобақалари ташкил этилишига кўмаклашиш.

10.2.3. Ходимларни спорт анжомлари билан таъминлаш, уларни спорт тадбирларига кенг жалб этиш ва жисмоний тарбия билан шуғулланишини ташкиллаштириш.

10.2.4. технология, ишлаб чиқариш ва иш шароитларидан келиб чиқиб, ходимларга “**Ходимлар** гимнастикаси” машқларини бажариши учун ҳамда иш вақтига киритиладиган “спорт дақиқалари” учун махсус танаффусларни белгилаш;

XI. ХОТИН-ҚИЗЛАР МЕХНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ.

Оилавий мажбуриятларини бажариш билан банд бўлган аёлларга ва шахсларга қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар.

11.1. Тарафлар меҳнат муносабатлари соҳасида камситишга йўл қўймаслик, ҳуқуқларнинг тенглиги ва имкониятлар тенглиги, бир қимматга эга меҳнат учун тенг миқдорда ҳақ тўлаш таомилларига оғишмай амал қилиш мажбуриятни оладилар.

11.2. Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш мақсадида Халқаро меҳнат ташкилотининг қуйидаги Конвенцияларига риоя этиш:

29-Конвенция «Зўрлаш ёки мажбурлашга асосланган меҳнат тўғрисида»;

100-Конвенция «Бир қимматга эга меҳнат учун эркакларга ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида»;

103-Конвенция «Оналикни мухофаза қилиш тўғрисида»;

105-Конвенция «Зўрлаб ишлатишга чек қўйиш тўғрисида»;

111-Конвенция «Меҳнат ва фаолият соҳасида камситишлар тўғрисида»;

138-Конвенция «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»;

182-Конвенция «Болалар меҳнатининг энг мудхиш шаклларини тақиқлаш ва тубдан бартараф этиш бўйича шошилинч чоралар тўғрисида».

11.3. Тарафлар Мехнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

11.3.1. ҳомиладор аёллар учун (78, 84, 224, 237, 228, 229, 143, 231, 233-моддалари);

11.3.2. икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (143, 227, 234, 236-моддалари);

11.3.3. уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (78, 84, 150, 224, 228, 234, 237-моддалари);

11.3.4. ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (150, 232-моддалари);

11.3.5. ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири (васий, ҳомий) учун (230-модда);

11.3.6. ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (68, 144, 228, 229-моддалари);

11.3.7. онасиз болаларни тарбиялаётган шахслар учун (235, 238-моддалари).

11.3.8. 12 ёшгача мактабда ўқийдиган фарзандлари бўлган хотин-қизларга иш ҳақи сақланган ҳолда битта қўшимча дам олиш куни (31 август ёки 2 сентябрь куни) тақдим этиш;

11.4. Икки ёшгача фарзанди бўлган аёлларга, болани овқатлантириш учун хар уч соатда 30 дақиқадан танаффус берилади, икки нафардан кўп 2 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга эса, хар уч соатда 1 соатдан танаффус белгиланади. Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига қўшилиб, ўртача иш хақи тўланади. Ходиманинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун ажратилган танаффуслар вақти дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг (смена) бошига ёки оҳирига ўтиши мумкин. (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 236-моддасига ҳамда 103-Конвенцияга асосан).

11.5. Ишлаб чиқариш ҳажмининг камайганлиги сабабли малакали аёл кадрлар билан таъминланган ишлаб чиқариш бўлинмаларини қисқартириш ўрнига тўлиқсиз иш вақти режимига ўтказиш

11.6. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

11.6.1. ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

11.6.2. хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш.

11.7. Касаба уюшма қўмитаси ўз зиммасига аёллар меҳнати шароитини яхшилаш бўйича, хотин-қизлар меҳнати ва соғлигини ҳимоялашга оид **Корхона** Дастурларини бажариш бўйича **Иш берувчига** кўмаклашиш мажбуриятини олади.

XII. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР

12.1. Корхонанинг ишида ва ривожланишида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларнинг ижтимоий ҳимоялаш масаласини комплекс ҳал этиш мақсадида томонлар қуйидагиларга келиш олдилар:

12.1.1. Халқаро мехнат ташкилотининг 138-сонли «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги, 182-сонли Болалар меҳнатининг энг мудхиш шаклларини тақиқлаш ва тубдан бартараф этиш бўйича шошилинч чоралар тўғрисида»ги Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга оғишмай риоя этиш хамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш;

12.1.2. давлатнинг ёшларга оид сиёсатини амалга ошириш учун йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури бажарилишини таъминлаш ишида фаол иштирок этиш;

12.1.3. Корхонанинг ўзида, зарур ҳолларда эса таълим муассасалари ва ўқув курсларида ёш **Ходимлар** учун касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака ошириш ишларини олиб бориш;

12.1.4. ёшларни билим салоҳиятини ошириш мақсадида, уларнинг замонавий билимлар, хорижий тил, компьютер саводхонлигини мукаммал эгаллашларига ўқувлар ўтказиш орқали кўмаклашиш, улардан кадрлар захирасини шакллантириш;

12.1.5. ёш оилалар аъзолари бўлмиш **Ходимларга** ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш.

12.2. Қонун ҳужжатларига биноан ва мазкур **Шартнома** мақсадлари учун Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-406-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланган “ёшлар”, “ёш оила”, “ёш мутахассис” тушунчаларидан фойдаланилади:

12.2.1. 30 ёшгача бўлган **Ходимлар** ёшлар деб ҳисобланади;

12.2.2. олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган ва олган мутахассислиги бўйича илк бор мазкур **Корхонада** иш бошлаган **Ходимлар**, таълим муассасасини битиргандан сўнг 3 йил давомида ёш мутахассислар деб ҳисобланади;

12.2.3. никоҳи илк бор расмийлаштирилган ва ҳар бири 30 ёшга тўлмаган эр-хотинлар ёш оила деб ҳисобланади.

12.3. **Иш берувчи** қуйидаги мажбуриятларни олади:

12.3.1. ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида ёш мутахассисларни тайёрлаш , уларни **Корхонада** ишлаш учун жалб этиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш;

12.3.2. юқори малакали ишчиларни, раҳбарлар ва мутахассисларни ўқувчилар ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш учун жалб этиш;

12.4. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган ҳамда ўқув режасини бажараётган **Ходимларга** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда

тутилганларга қўшимча равишда қуйидагилар кафолатланади:

12.4.1. ишни таълим билан қўшиб олиб бориш учун зарур тарзда кундалик ишнинг бошланиш ва тугаш вақтини ўрнатиш;

12.4.2. ҳар йили иш ҳақи сақланмаган ҳола камида 14 тақвим кунидан иборат таътил бериш:

12.5. Касаба уюшма қўмитаси қуйидаги мажбуриятларни олади:

12.5.1. ёш ходимларнинг ижтимоий хуқуқлари ва кафолатларини ҳимоя қилиш ишларини янада мукаммаллаштириш учун мавжуд ҳуқуқий-норматив базадан фойдаланиш;

12.5.2. ёш йигит-қизларни касаба уюшмалари фаолиятига жалб этиш ишларини олиб бориш, жамоат ишида фаоллик кўрсатганларни мунтазам равишда тақдирлаш.

12.5.3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 84-моддасига асосан ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларининг таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслиги ҳамда 247^{1}--моддасига асосан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битирувчилар билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар **Иш берувчининг** ташаббусига кўра бекор қилинганида меҳнат органларига хабар берилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш;

12.5.4. Корхонада ёш ходимлар ўртасида маданий-маърифий, маънавий ҳамда жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини кенг миқёсда амалга ошириш орқали ишлаётган ёшлар фаолиятидаги салбий ҳолатларни, жумладан, эртанги кунга ишончнинг **с**ўнишини олдини олиш, иш ҳақи, меҳнат шароитларидан миннатдорлик ҳиссини уйғотиш.

XIII. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ

13.1. Келишувчи томонлар, ижтимоий шерикчилик тамойилларини эътироф этган ҳолда, жамоа шартномасини бажарилиш учун ҳалал берадиган ҳар қандай низоларни олдини олишга қаратилган чораларни кўришни ўз зиммаларига оладилар. Баҳслашувлар ўзаро ишонч ва хурмат билан, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ ўзаро ишонч ва ўзаро ҳурмат асосида ҳал этилади.

13.2. Хусусий меҳнат низолари ва можаролари 6 аъзодан иборат (ҳар қайси тарафдан 3 кишидан), **Иш берувчи** ва **Касаба уюшмаси қўмитаси** томонидан тенг ҳуқуқлилик асосида ташкил этиладиган меҳнат низолари бўйича комиссия томонидан ҳал этилади.

13.3. Жамоаларга доир меҳнат низолари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

XIV. ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИ КАФОЛАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИШ

14.1. Иш берувчи ва **Касаба уюшмаси қўмитаси** ўзаро муносабатларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий шериклик, ҳамкорлик, ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш тамойиллари асосига қурадилар.

14.2. Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитасини Корхона ходимларининг ягона ваколатли органи сифатида эътироф этади.

14.3. Тарафлар касаба уюшмаси аъзолик бадалларини **Корхона** бухгалтерияси орқали касаба уюшма аъзоларининг ёзма баёнотлари асосида нақдсиз пул ўтказиш йўли билан тўланиб борилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

14.4. Корхона ҳисоб рақамида маблағ етарли бўлмаган ҳолларда касаба уюшмаси аъзолик бадаллари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 15 мартда 2342 рақами билан рўхатга олинган “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”га биноан ижро тўлов ҳужжатлари орқали мутаносиблик асосида ҳисобдан чиқариладиган маблағлар қаторига киритилади.

14.5. Иш берувчи қуйидаги мажбуриятларни олади:

14.5.1. жамоа шартномасига киритилмай қолган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан олдин **Касаба уюшма қўмитаси** билан олдиндан келишиб олиш;

14.5.2. Касаба уюшма қўмитаси талабига кўра унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

14.5.3. Касаба уюшма қўмитаси уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириши учун уни хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш.

14.5.4. молиявий имкониятларидан келиб чиқан ҳолда Касаба уюшмаси ташкилоти ишида фаол иштирок этиб келаётган **Касаба уюшмаси қўмитаси**, қўмитанинг комиссиялари аъзоларини рағбатлантириб бориш мажбуриятини олади

14.6. Касаба уюшма қўмитаси қуйидаги мажбуриятларни олади:

14.6.1. Корхонанинг жорий ва истиқболий режалари бажарилишига кўмаклашиш, бу борада **Ходимлар** ташаббуси ва ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

14.6.2. қўлланилаётган меҳнатга хақ тўлаш тизимлари, иш хақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича тадбирларнинг

бажарилишини назорат қилиш;

14.6.3. меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, **Ходимлар** ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш;

14.6.4. касаба уюшма аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш;

14.6.5. иш жойларидаги мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат мухофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ бўлиши борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;

14.6.6. Ходимлар ва оила аъзоларининг дам олиши ва соғломланиши борасида **Ходимларнинг** берган аризаларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган меъёрлар доирасида тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан таъминлаш;

14.6.7. корхонада меҳнат шароитлари аҳволи устидан жамоатчилик назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

14.6.8. Ходимлар орасида меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, можароли вазиятларнинг олдини олишга қаратилган чоралар кўриш;

14.6.9. турли танловлар, спорт мусобақалари ғолибларини тақдирлаш учун рағбатлантирувчи совғалар ва мукофотлар ажратиш.

14.6.10. касаба уюшмалари Федерациясининг «Ишонч», «Ишонч-Доверие» газеталарига обунани таъминлаш мажбуриятини олади.

14.7. Касаба уюшма органларига сайланиб ишлаб чиқариш фаолиятидан озод этилган шахсларга уларнинг ваколат муддатлари тугаганидан сўнг аввалги ёки шунга тенг иш берилиши мақсадида (Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ) **Иш берувчи** касаба уюшмасига сайланган **Ходимларнинг** бўшаб қолган иш ўринларига янги **Ходимларни** фақатгина муайян муддатга тузилган меҳнат шартномаларига биноан ишга қабул қилиш мажбуриятини олади.

14.8. Халқаро меҳнат ташкилотининг “Корхоналарда меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида”ги 135-Конвенциясига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 декабрда 196-рақам билан рўхатга олинган “Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида Низом”нинг 12-бандига биноан **Ходимларнинг** қуйидаги тоифалари мазкур **Шартнома** мақсадларида **Меҳнаткашлар вакиллари** деб эътироф этилади**:**

а) сайлаб қўйиладиган касаба уюшма органлари аъзолари;

б) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ваколатли шахслар;

в) меҳнат низолари бўйича комиссия аъзолари;

14.9. Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган **Меҳнаткашлар вакилларига** жамоатчилик ишларини бажариш учун ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда ҳар ҳафтада икки соатдан бўш вақт берилади.

14.10. Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган **Меҳнаткашлар вакилларига** интизомий жазо чораларини қўллаш, улар билан **Иш берувчи** ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш амаллари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида, Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг “Корхоналарда меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида”ги 135-Конвенциясида назарда тутилган чекловларга риоя қилинган холда амалга оширилади.

14.11. Корхонада Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш хуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сонли Конвенцияси талабларига оғишмай риоя этилади.

XV. ЖАМОА ШАРТНОМАСИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

15.1. Касаба уюшмаси қўмитаси манфаатлари у томонидан ифода этилаётган **Ходимлар** номидан **Иш берувчи** билан жамоа музокараларини олиб боришга, жамоа шартномасини тузишга бўлган устувор ҳуқуққа эга, шунингдек унинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади. (Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунининг 29- ва 34-моддалари).

15.2. Тарафлар тенглик асосида, мазкур **Шартнома** бажарилишини текшириб борувчи комиссия тузишни ўз зиммаларига оладилар.

15.3. Томонлар йилда бир марта мазкур **Шартнома** бажарилиши юзасидан текширув ўтказиш ва текширув натижаларини меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да муҳокама қилишни ўз зиммаларига оладилар.

15.4. Тарафлар келишиб олдиларки, уларнинг мазкур **Шартномада** акс эттирилган манфаатлари улар томонидан жамоа шартномасининг барча шартлари ва мажбуриятлари сўзсиз бажарилган тақдирдагина рўйёбга чиқиши мумкин.

15.5. Касаба уюшма қўмитаси, жамоа шартномаси лойиҳасини маъқуллаш юзасидан чақириладиган меҳнат жамоасининг умумий йиғилишидан (конференциясидан) олдин унинг лойихасини экспертиза учун юқори турувчи касаба уюшмага ёки адвокатлик фирмасига тақдим этади.

15.6. Мазкур **Шартнома** имзолангандан сўнг, тарафлар уни рўйхатдан ўтказиш учун юқори турувчи тармоқ касаба уюшмаси органига ёки унинг нусхасини нотариусга сақлаш учун тақдим этадилар.

15.7. Жамоа шартномаси имзолангандан кейин тарафларнинг ҳар қайсиси ушбуни бажариш юзасидан масъул шахсларни ва муддатларини белгилаган ҳолда чора-тадбирлар режасини тузади.

15.8. Жамоа шартномаси имзоланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай рисола шаклида нашр этилади. **Жамоа шартномасининг** матни ва иловалари билан ходимлар корхонанинг **Ходимлар** бўлимида, меҳнатни мухофаза қилиш хизматида ҳамда Касаба уюшма қўмитасида танишишлари мумкин.

15.9. Шартноманинг амал қилиш даврида ёки амал қилиш муддатини узайтириш даврида киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар, қўшимча келишув кўринишида бўлган алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилиб, мазкур **Шартноманинг** ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

15.10. Жамоа шартномасининг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

XVI. ЖАМОА ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРНИ БУЗГАНЛИК ЁКИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

16.1. Тарафлардан бирининг мазкур **Шартномада** белгиланган шартлар бажарилмаганлиги ёки тўлиқ бажарилмаганлиги хақида берган эътирозномалари бошқа тараф томонидан икки ҳафта муддатда кўриб чиқилади.

16.2. Жамоа шартномаси мажбуриятларининг бузилишида ёки бажарилмаслигида айбдор мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур **Шартномада** белгиланган тартибда жавобгар бўладилар**.**

ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН ИЛОВАЛАР РЎЙХАТИ

1-Илова. Меҳнат шароитлари ўзига хос ва ноқулай бўлган шароитларида ишлаганлик учун қўшимча таътил бериладиган **Ходимларнинг** касблари ва лавозимлари рўйхати.

2-илова. Сут ва ювиш воситалари билан бепул таъминланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати.

3-Илова. Ноқулай бўлган шароитларида банд бўлган Х**одимларни** махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминлаш меёрлари ва тартиби.

4-Илова. 2021-2024 йилларда лойиҳа ва тадқиқот ишларини олиб боришда меҳнатни мухофаза қилинишини ташкил этиш чора-тадбирлари.

5-Илова. Топогеодезия ишларини дала шароитларида бажарганлик учун қўшимча ҳақ (минтақавий ва сувсизлик коэффициентлари) белгиланадиган касблар, лавозимлар ва Х**одимлар** тоифасининг рўйхати

6-Илова. Мунтазам ва даврий тиббий кўрикдан ўтказилиши шарт бўлган касблар, лавозимлар ва ходимлар тоифасининг рўйхати

7-Илова. Тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузиладиган Х**одимлар** тоифасининг рўйхати

8-Илова. "BOSHTRANSLOYIHA" AJ иш берувчиси ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган меҳнатни мухофаза қилиш бўйича битим.

1-илова

КЕЛИШИЛГАН:
“BOSHTRANSLOYIHA” АЖ
Касаба қўмитаси раиси
_____ Калимбетов Х.М.

“ ___ ” _____ 2021 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН:
“BOSHTRANSLOYIHA” АЖ

Бош директори
_____ Рузиев Р.В.
“ ___ ” _____ 2021 й.

АО “ BOSHTRANSLOYIHA” Акционерлик жамиятида “Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини шаҳодатлаш услубиёти” (ЎзР МК 137-м) бўйича аниқланган меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берадиган лавозимлар рўйхати

Т/р	Иш ўринлари (лавозим) номи	карта №	Зарар ва хавф даражаси бўйича меҳнат шароитларини баҳолаш картаси						Қўшимча таътил давомийлиги (кунларда)
			1тас. қулай	2 тас. қўйиладиган	Меҳнат шароитлари таснифлари				
					3 тас. - зарарли				
					3.1 I даража	3.2 II даража	3.3 III даража	3.4 IV даража	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Маъмурият									
1.	Бош директор	1					+		9
2.	Техник директор(бош директор-нинг биринчи ўринбосари), молия директори (иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш), харидлар бўйича ди-ректор (умумий масалалар)	2					+		9
Бухгалтерия									
3.	Бош бухгалтер, бош бухгалтер ўринбосари	3					+		9
4.	Катта бухгалтер, бухгалтер	4				+			6
Ишлаб чиқариш бўлимлари (МҚБ, ТЙЛБ, АҚБ, АТАваБ, СИБ, ЭваКТБ, ТИваМКБ)									
5.	Бўлим бошлиқлари, хизмат бошлиқлари	5, 5а					+		9
6.	Лойиҳа бош муҳандиси, лойиҳа бош муҳандис ўринбосари	6, 6а					+		9
7.	Бош мутахассислар	7					+		9
8.	Сектор бошлиғи/ Гуруҳ бошлиғи	8, 8а					+		7
9.	Етакчи муҳандислар	9, 9а					+		7
10.	I, II. III –тоифали муҳандислар	10,10а					+		7
11.	I, II –тоифали техниклар	11					+		7
Муҳандислик қидирув бўлими									
12.	Қидирув экспедиция бошлиғи	12					+		9
13.	Қидирув експедициясининг бош муҳандиси	13					+		9
14.	Тадқиқот(отряд) партияси бошлиғи	14					+		9
15.	Камерал гуруҳ бошлиғи	15					+		9
16.	Етакчи муҳандис –тадқиқотчи	16					+		9
17.	I -III тоифали муҳандис – тадқиқотчи	17					+		9
18.	I - II тоифали техник –тадқиқотчи	18					+		9

19.	Ишчи –тадқиқотчи	19					+		9
20.	Бурғиловчи уста	20					+		9
21.	Тупроқ лабораторияси бошлиғи	21					+		7
Замонавий ахборот технологиялари ва лойиҳаларни чиқариш бўлими									
22.	Бош мутахассис	22					+		9
23.	Гуруҳ бошлиғи	23					+		9
24.	I -III - тоифали муҳандис	24, 24а				+			6
25.	Оператор	25				+			4
26.	I –II - тоифали техник	26				+			6
Бинодан техник фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш хизмати (ДОМ)									
27.	Электромеханик	27					+		9
Бинодан техник фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш хизмати									
28.	Дурадгор	28					+		9
29.	Електр газ пайвандловчи	29					+		9
30.	Бўйоқчи	30					+		9
31.	Чилангар	31					+		9
32.	Офис хоналари ва махсус хоналарни тозалаш фарроши	32, 32а				+			4
33.	Хамшира	33				+			4
(БТФваХКХ, ҚИАваМТТХ, ДОМ)									
34.	Қоровул	34,34а			+				3
Лойиҳа ва ахборот таъминоти хизмати									
35.	I -III - тоифали муҳандис	35				+			6
36.	I –II - тоифали техник	36				+			6
Маъмурий ва бошқарув ходимлари									
37.	Офис менежери	37				+			6
38.	Назоратчи (ХБ хизмати)	38				+			6
Харидларни ва моддий захираларни бошқариш хизмати									
39.	Омбор мудири	39				+			6
Қидирув ишларини автоулов ва махсус техника билан таъминлаш хизмати									
40.	Чилангар	40					+		9
41.	Автотранспорт воситалари ҳайдовчиси (юк автомобил))	41					+		9
42.	Автотранспорт воситалари ҳайдовчиси (йўловчи автомобил)	42					+		9
Дам олиш маскани									
43.	Дам олиш масканининг директор (мудири) / мудир ўринбосари	8,8а					+		7
44.	Ишчилар	44			+				3

Изоҳ:

Бош директор бўлим бошлиғининг илтимосномасига кўра муддатли объектлар ёки ишларни бажаришга қўшган катта ҳиссаси учун қўшимча таътил давомийлигини меҳнат шароитларини баҳолаш картасида белгиланганига қўшимча равишда 9 иш кунигача узайтириш ҳуқуқига эга, бунда таътил давомийлиги 24 кундан ошмаслиги керак. Юқорида кўрсатилган қўшимча таътилларга ҳақ тўлаш бўлим фойдаси ҳисобига амалга оширилади.

ХБ хизмати бошлиғи Аблязина Р.М.

2-илова

КЕЛИШИЛГАН:
“BOSHTRANSLOYIHA” АЖ
Касаба қўмитаси раиси
_____ Калимбетов Х.М.

“ ___ ” _____ 2021 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН:
“BOSHTRANSLOYIHA” АЖ

Бош директори
_____ Рузиев Р.В.
“ ___ ” _____ 2021 й.

Ноқулай меҳнат иш шароитлари билан банд бўлгани учун бепул сут ва ювувчи воситалар олиш ҳуқуқини берадиган касблар ва лавозимлар рўйхати

Бўлим	**Касблар ва лавозимлар номи**	**Сут берилиши (кунига)**	**Ювувчи воситалар берилиши (бир ойга**
1	**2**	**3**	**4**
ҚИАваМТХ	Юк кўтариш қобилияти 1,5 дан 3т гача бўлган юк автомобиллари ҳайдовчилари	йўқ	400 гр
	Шунинг ўзи, фақат 3т ва ундан юқори	йўқ	400 гр
	Этил. бензинда ишловчи двигателлар ва ёнилғи аппаратуралари таъминлашда банд бўлган автомобил таъмирловчи чилангар	йўқ	400 гр
	Кўча тозаловчи	0,5 литр	400 гр
	Фаррош	0,5 литр	400 гр
МҚБ	Зарб-арқонли ва колонкали бурғулаш станогида ишловчи бурғуловчилар	йўқ	400 гр
	Ишчилар , техниклар, тупроқ лабораторияси лаборантлари	йўқ	400 гр
	Газсимон ва буғланадиган моддалар, фенол, эритувчиларни қўллаган ҳолда ишлайдиган муҳандислар, техниклар, лаборантлар, ишчилар	йўқ	400 гр
ЗАТБ	Елим тайёрлаш билан банд ва битта пичоқли машиналарда кесувчи (муқовасоз) ишчилар	0,5 литр	400 гр
БТФваУХК	Бўёқчи	0,5 литр	400 гр
	Дурадгор	0,5 литр	400 гр
	Канализация тармоғини тозалаш ва таъмирлаш билан шуғулланадиган чилангар	0,5 литр	400 гр
	Кўча тозаловчи	0,5 литр	400 гр
	Ички ва ташқи ишларда ишовчи электр газ пайвандловчи	0,5 литр	400 гр
	Фаррош	0,5 литр	йўқ
	Хамшира	йўқ	400 гр

Изоҳ:

1. Сут ишчиларга иш кунлари (сменада) камида ярим кун давомида ишлаган бўлса, улар иш жойларида, устахоналарда, участкаларда ва зарарли меҳнат шароити бўлган бошқа бўлинмаларда ишларини ҳақиқий бажарган кунларида берилади.

2. 8 соатлик иш сменаси учун сут 0,5л миқдорида берилади.

Иш шароитлари зарарли бўлган ишларда бевосита ишлайдиган ишчиларга сут ёки унга тенглаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини бепул тарқатиш тартиби. *O'zbekiston Respublikasi Bosh davlat sanitariya shifokori, Sog'liqni saqlash vazirining o'rinbosari tomonidan 06.10.2003 yilda tasdiqlangan.*

Хавфсизлик техникаси
бўйича муҳандис Шукуров П.Э.

3-илова

КЕЛИШИЛГАН:
“BOSHTRANSLOYIHA”АЖ
Касаба қўмитаси раиси
_____ Калимбетов Х.М.

“ ___ ” _____ 2021 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН:
“BOSHTRANSLOYIHA” АЖ

Бош директори
_____ Рузиев Р.В.
“ ___ ” _____ 2021 й.

Ноқулай меҳнат иш шароитлари билан банд бўлган ходимларни бепул махсус кийим, махсус пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш меъёрлари ва тартиби

Бўлим	**Касблар номи**	**Махсус кийим, махсус пойафзал ва бошқа номланиши**	**Кийиш муддати, ой**
1	**2**	**3**	**4**
ҚИАва МТХ	Экспедиция ва партиялардаги автомобиллар (енгил автомобиллардан ташқари) ҳайдовчилари	Ип газлама костюм (ип газлама комбинезон) Чарм ботинкалар Ип газламали қўлқоп Иссиқ астарли ип-газлама куртка	12 12 3 36
	Автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи авто-чилангар	Ип газлама костюм Комбинатцияланган қўлқоп Чарм ботинкалар йоки резина этик Ҳимоя кўзойнаги	12 2 12 эскиргунича
	Барча маркадаги юк ва махсус автомобиллар ҳайдовчилари	Ип газлама костюм (ип газлама комбинезон) Ип газламали қўлқоп	12 3
МҚБ	Механик айланувчи ва механик зарба билан бурғулаш қурилмаси бурғуловчилари	Ип газлама костюм ёки ип газлама комбинезон Чарм ботинкалар Ип газламали қўлқоп Иссиқ астарли ип-газлама куртка Каска Сигнал нимчаси Ҳимоя кўзойнаги	12 12 2 36 навбатчи 12 эскиргунича
	Кимёвий ва геотехник лаборатория: ходимлари Бошлиқ, муҳандис, техник, лабо-рант	Ип газлама халат Резиналанган фартук Ҳимоя кўзойнаги Резина қўлқоп	12 навбатчи эскиргунича 1
	Муҳандис – техник ходимлар : геолог, геодезист, партия, отряд бошлиғи, топограф, барча санаб ўтилган касб ва мутахассис бўйича катта мутахассислари, бевосита дала ишларида банд бўлган барча мутахассислардаги муҳандислар ва техниклар, экспедиция бошлиқлари, экспедиция бош муҳандиси, бўлим бошлиғи	Ип газлама костюм Чарм ботинкалар Иссиқ астарли ип-газлама куртка Сигнал нимчаси	12 12 36 12
ЗАТБ	Муқовасоз	Ип газлама халат Кўкракпечли ип газлама фартук	12 12
БТФва УХК ДОЗ	Электромеханик	Ип газлама костюм Чарм ботинкалар Диэлектрик қўлқоп Диэлектрик этик Ип газлама қўлқоп Хавфсизлик камари	12 12 навбатчи навбатчи 2 навбатчи

БТФва УХК	Електр газ пайвандловчи	Брезент костюм Чарм ботинкалар Брезент қўлқоп Иссиқ астарли ип-газлама куртка Ҳимоя кўзойнаги Респиратор	12 12 2 36 эскиргунича эскиргунича
	Дурадгор	Ип газлама костюм Чарм ботинкалар Ҳимоя кўзойнаги Ип газламали қўлқоп	12 12 эскиргунича 2
	Чилангар	Ип газлама костюм Комбинатцияланган қўлқоп Резинали этик Чарм ботинкалар Респиратор Хавфсизлик камари Ҳимоя кўзойнаги	12 2 навбатчи 12 эскиргунича навбатчи эскиргунича
	Бўёқчи	Ип газлама костюм Комбинатцияланган қўлқоп Чарм ботинкалар Респиратор Хавфсизлик камари Ҳимоя кўзойнаги	12 2 12 навбатчи навбатчи эскиргунича
	Кўча тозаловчи	Ип газлама халат Иссиқ астарли ип-газлама куртка	12 36
	Хамшира	Тиббий халат	12
БТФва УХК, ҚИАва МТХ	Ишлаб чиқариш бинолари фаррошлари	Ип газлама халат Резина қўлқоп	12 1
ДОЗ	Ишчи	Ип газлама костюм Чарм ботинкалар	12 12
ЛАТХ	Архив , лойиҳа кабинети ходимлари	Ип газлама халат Ип газлама қўлқоп	12 2

Изоҳ:

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирининг 19.01.2009 йилдаги 2 / Б-сон буйруғи.

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирининг 25.04.2011 йилдаги 21-Б-сон буйруғи.

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирининг 23.05.2011 йилдаги 23-Б-сон буйруғи.

Хавфсизлик техникаси
бўйича муҳандис Шукуров П.Э.

Келишилган:
Харидлар бўйича директор Клочнев М.Г.

4-илова

КЕЛИШИЛГАН:
“BOSHTRANSLOYIHA”АЖ
Касаба қўмитаси раиси
_____ Калимбетов Х.М.

“ ___ ” _____ 2021 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН:
“BOSHTRANSLOYIHA” АЖ

Бош директори
_____ Рузиев Р.В.
“ ___ ” _____ 2021 й.

2021-2024 йилларда лойиҳа ва тадқиқот ишларини олиб боришда меҳнат муҳофазасини ташкил қилиш бўйича тадбирлар

Т/р	Тадбир номи	Бажариш муддати	Бажарувчи	Назорат
1	2	3	4	5
1	Кириш инструктажини ўтказиш	йил давомида	ММ муҳандиси	техник директор
2	Такрорий инструктаж ўтказиш	чоракда бир марта	бўлим бошлиғи, хизматлар бошлиғи	ММ бўйича муҳандис
3	МҚБ, ҚИАваМТХ бўлимларида 3 босқичли назоратни амалга ошириш	низом бўйича	комиссия	ММ бўйича муҳандис
4	Институт ходимларини меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ва билимларини текшириш	ўз ҳоҳишига кўра	бўлим бошлиқлари	ММ бўйича муҳандис
5	Меҳнат муҳофазаси бўйича номенклатура тадбирлари режаларининг бажарилиши устидан назорат	ҳар чоракда	ММ бўйича муҳандис	
6	Бўлимларда меҳнат муҳофазаси бўйича ҳужжатларнинг олиб борилиши устидан назорат	чоракда бир марта	ММ бўйича муҳандис	
7	Ёнғин хавфсизлиги бўйича инвентар воситаларни кўриб чиқиш	чоракда бир марта	комиссия	ММ бўйича муҳандис
8	Бўлимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кириш ҳужжатлари билан таъминлаш	мунтазам равишда	ММ бўйича муҳандис, ЛваАТ хизмати	
9	Дала ишларида ишлайдиган бўлинмаларнинг далада ишлашга тайёрлигини текшириш	доимий	бўлим бошлиғи, хизмат бошлиғи	ММ умумий муҳандиси
10	Тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтилишини назорат қилиш	йил мобайнида	бўлим бошлиғи	ХБ бошлиғи, ММ муҳандиси
11	Махсус кийим-кечак, пойафзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш	йил мобайнида	ХМЗБХ	харидлар бўйича директор
12	Йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган кўрсатмаларнинг бажарилишини ташкиллаштириш	доимий	хизмат бошлиғи, таъмирлаш бўйича механик	ММ бўйича назоратчи
13	Фойдаланишда бўлган барча транспорт воситаларини соз ҳолатдаги асбоблар, дори қутилари, ўт ўчиргичлар, авариявий тўхташ белгилари билан таъминлаш	доимий	ҚИАваМТБТ хизмати, таъмирлаш бўйича механик	ММ бўйича муҳандис
14	Бўлимда фойдаланиладиган асбоб ускуналарни ўз вақтида текширувдан ўтказиш, таъмирлаш	муддатига кўра	бўлим бошлиғи, гуруҳ бошлиғи	ММ бўйича муҳандис, ММ назоратчиси
15	СО даражаси юқори бўлган автомашиналарни линияга чиқишига йўл қўймаслик	доимий	бўлим бошлиғи, гуруҳ бошлиғи	ММ бўйича умумий муҳандиси

Техник директор Х.М. Маликов

5-илова

КЕЛИШИЛГАН:
“BOSHTRANSLOYIHA”АЖ
Касаба қўмитаси раиси
_____ Калимбетов Х.М.

“ ___ ” _____ 2021 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН:
“BOSHTRANSLOYIHA” АЖ

Бош директори
_____ Рузиев Р.В.
“ ___ ” _____ 2021 й.

Дала шароитида топогеодезик ва геологик ишларни бажарганлиги учун устама тайинланадиган (туман ва сувсиз коэффициентлар) касблар, лавозимлар ва тоифалар
РЎЙХАТИ

Т/р	**Лавозимлар номи**	**Бўлим**
1	Тадқиқотлар бўлими бошлиғи	**МҚБ**
2	Тадқиқотчилик экспедицияси бошлиғи	**МҚБ**
3	Тадқиқотчилик экспедицияси бош муҳандиси	**МҚБ**
4	Тадқиқотчилик партияси (отряди)бошлиғи	**МҚБ**
5	Етакчи муҳандис тадқиқотчи	**МҚБ**
6	I, II,III тоифадаги муҳандис тадқиқотчилар	**МҚБ**
7	I, II тоифадаги техник тадқиқотчилар	**МҚБ**
8	Тадқиқотчи ишчилар	**МҚБ**
9	Бурғуловчи уста	**МҚБ**
10	Бурғуловчи ускунага хизмат кўрсатувчи ишчи	**МҚБ**
11	Тадқиқотчи бўлинмаларга хизмат кўрсатувчи I, II, III таснифли ҳайдовчилар	**ҚИАваМТХ**

Хавфсизлик техникаси
бўйича муҳандис Шукуров П.

6-илова

КЕЛИШИЛГАН:
“BOSHTRANSLOYIHA”АЖ
Касаба қўмитаси раиси
_____ Калимбетов Х.М.

“ ___ ” _____ 2021 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН:
“BOSHTRANSLOYIHA” АЖ

Бош директори
_____ Рузиев Р.В.
“ ___ ” _____ 2021 й.

Дастлабки ва даврий тиббий кўриклар ташкил этиладиган касблар, лавозимлар ва ходимлар тоифаси рўйхати

Т/р	**Тиббий кўрикдан ўтиши керак бўлган шахслар**
1.	Институтга янгидан ишга келган барча ходимлар
	Муҳандислик тадқиқоти бўлими
1.	Бўлим бошлиғи
2.	Тадқиқотчилик экспедицияси бошлиғи
3.	Тадқиқотчилик экспедицияси бош муҳандиси
4.	Тадқиқотчилик партияси бошлиғи
5.	Тадқиқотчилик отряди бошлиғи
6.	Етакчи муҳандис тадқиқотчи
7.	1, 2, 3 тоифадаги муҳандис тадқиқотчи
8.	1, 2 тоифадаги техник тадқиқотчи
9.	Тадқиқотчи ишчи
10.	Бурғуловчи уста
	Қидирув ишларини автоулов ва махсус техника билан таъминлаш хизмати
1.	1, 2, 3 таснифли ҳайдовчилар
2.	Механик
	Замонавий ахборот технологиялари ва лойиҳаларни чиқариш бўлими
1.	Бўлим бошлиғи
2.	Бош мутахассис
3.	Гуруҳ бошлиғи
4.	1, 2, 3 тоифадаги муҳандислар
5.	1, 2 тоифадаги техник
	Бинодан техник фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш хизмати
1.	АТС механиги
2.	Бўёқчи
3.	Дурадгор уста
4.	Электромеханик
5.	Чилангар
6.	Электр газ пайвандловчи
	Дам олиш зонаси
1.	Электромеханик

ХБ хизмати бошлиғи Аблязина Р.М.

7-илова

КЕЛИШИЛГАН:
“BOSHTRANSLOYIHA”АЖ
Касаба кўмитаси раиси
_____ Калимбетов Х.М.

“ ___ ” _____ 2021 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН:
“BOSHTRANSLOYIHA” АЖ

Бош директори
_____ Рузиев Р.В.
“ ___ ” _____ 2021 й.

Тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузиладиган ходимлар тоифаси рўйхати

Т/р	Ходимлар тоифаси
1.	Институт бўлим ва бўлинмалари, мулкнинг хавфсиз сақланиши учун маъсул шахслар
2.	Ваколатли кассирлар
	Муҳандислик тадқиқоти бўлими
1.	Бўлим бошлиғи
2.	Тадқиқотчилик экспедицияси бошлиғи
3.	Тадқиқотчилик экспедицияси бош муҳандиси
4.	Тадқиқотчилик партияси бошлиғи
5.	Тадқиқотчилик отряди бошлиғи
6.	Етакчи муҳандис тадқиқотчи
7.	1, 2, 3 тоифадаги муҳандис тадқиқотчи
8.	1, 2 тоифадаги техник тадқиқотчи
9.	Тадқиқотчи ишчи
10.	Бурғуловчи уста
	Қидирув ишларини автоулов ва махсус техника билан таъминлаш хизмати
1.	Механик
2.	1, 2, 3 таснифли ҳайдовчилари
3.	Қоровул
4.	Фаррош
	Бинодан техник фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш хизмати
1.	Қоровул
2.	Электромеханик
3.	Дурадгор
4.	Электр газ пайвандчи
5.	Ҳамшира
6.	Чилангар
7.	Бўёқчи
8.	Фаррош
	Харидлар ва моддий заҳираларни бошқариш хизмати
1.	ХваМЗБ хизмати бошлиғи
2.	Омборхона мудири
	Дам олиш маскани
1.	Дам олиш маскани мудири
2.	Дам олиш маскани мудир ёрдамчиси
3.	Электромеханик
4.	Қоровул
5.	Ишчилар
	Девонхона
1.	Офис-менеджер (девонхона назоратчиси)
	Ҳодимларни бошқариш хизмати
1.	Ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи
2.	Ходимлар билан ишлаш бўлими назоратчиси
	Бухгалтерия
1.	Бош бухгалтер
2.	Катта бухгалтер
3.	Бухгалтер
4.	Бухгалтер-кассир
	Лойиҳа-ахборот таъминоти хизмати
1.	Хавфсизлик техникаси бўйича муҳандис

ХБ хизмати бошлиғи Аблязина Р.М.

8-илова

КЕЛИШИЛГАН:
“BOSHTRANSLOYIHA”АЖ
Касаба қўмитаси раиси
_____ Калимбетов Х.М.

“ ___ ” _____ 2021 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН:
“BOSHTRANSLOYIHA” АЖ

Бош директори
_____ Рузиев Р.В.
“ ___ ” _____ 2021 й.

"Бошранслойиха"АЖ иш берувчиси ва касаба қўмитаси ўртасидаги 2021-2024 йиллар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича келишув

Т/р	Тадбир (ишлар) мазмуни	Тадбир қиймати минг сўм	Бажарилиш муддати	Бажарилиши учун масъул	Кутиладиган натижалар
					Меҳнат шароити яхшиланадиган ходимлар сони
1	2	5	6	7	8
1	Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича адабиётлар харид қилиш	500	Хар йили	ЛАТХ бошлиғи	
2	Институт ходимлари учун махсус кийим, хавфсизлик поябзали ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларини (ППЕ) сотиб олиш	25 000	Йил давомида (хар йили)	ХваЗБХ бошлиғи	
3	Меҳнат шароити ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни сут билан таъминлаш	13 000	Йил давомида (хар йили)	ХваЗБХ бошлиғи	
4	Меҳнат шароити ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни ювувчи воситалар билан таъминлаш	3 000	Йил давомида (хар йили)	ХваЗБХ бошлиғи	
5	Ишлаб чиқариш биноларини таъмирлаш	150 000	Йил давомида (хар йили)	Харидлар бўйича директор	

Хавфсизлик техникаси бўйича муҳандис Шукуров П.